

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"TEMIRYO'LKARGO" AJ

Объявление

"TEMIRYO'LKARGO" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ПРОВЕДЕНИЕ ВНЕОЧЕРЕДНОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ

Хурматли «Temiryo`lkargo» АЖ акциядорлари!

Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси 7 уй манзилида жойлашган ва электрон почта манзили info@utycargo.uz (mailto:info@utycargo.uz) бўлган «Temiryo`lkargo» акциядорлик жамияти Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 7 уй манзилида 2024 йил **7 февраль кун**и соат **15:00** да Жамият акциядорларининг **навбатдан ташқари умумий йиғилиши** бўлиб ўтишини маълум қилади.

- Акциядорларни йиғилиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестрининг ёпилиш санаси 2024 йил “15” январь деб белгилансин.
- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорлар реестрининг ёпилиш санаси 2024 йил “2” февраль деб белгилансин.

Кун тартиби:

- 1) Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тартиби, қоидалари ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
- 2) 2023 йил 14 декабрдаги “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши баёни қарорининг 3,4,6,7,12 бандларини бекор қилишни тасдиқлаш;
- 3) “Темирйўлкарго” АЖ номини “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖга ўзгартириш тўғрисида
- 4) Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида

Йиғилиш иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш юқоридаги манзилда соат 14-00 дан бошланади. Ёнингизда паспорт ёки шахсий гувоҳнома бўлиши шарт. Акциядорларнинг вакиллари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома бўлиши шарт.

Навбатдан ташқари умумий йиғилиш учун тайёрланган материаллар билан жамият жойлашган жойда танишишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ц-4, А. Қодирий кўчаси, 23а-уй.

Шу билан бирга, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ паспорт маълумотлари ёки почта манзилингиздаги ўзгаришлар, ҳамда СТИР ва электрон почта манзил тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида “ТАТ-РЕЕСТР” МЧЖ депозитарийсига тақдим этиш зарурлигини эслатиб ўтамиз: тел. (71) 232-01-45.

Акциядор ўзи тўғрисидаги зарур маълумотларни тақдим қилмаган бўлса, унинг акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарий ва “Темирйўлкарго” АЖ бу борада акциядорга етказилган зарарлар учун жавобгар эмас.

Маълумот учун жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлимига қўнғироқ қилишингиз мумкин: **78-148-37-78 (477)**

15.01.2024

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/16655/>

Дата: 07.05.2026